

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
ФАКУЛЬТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК
ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА
АМАЛИЁТИ КАФЕДРАСИ

ШУХРАТЖОН АБДУЛЛАЕВНИНГ

*“Глобаллашув шароитида миллатлараро
тотувлик юксак ахлоқий қадрият сифатида”*

мавзусига

ИЛМИЙ МАҚОЛА

Шухратжон Абдуллаев
Фарғона давлат университети
мустақил тадқиқотчиси.

Резюме. Ушбу мақолада глобаллашув жараёнлари ва унда миллатлараро тотувликнинг юксак ахлоқий кадрият сифатидаги ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиқ беришга ҳаракат қилинади.

Калит сўзлар; глобаллашув, тотувлик, минтақавий ҳамкорлик, ижтимоий тараққиёт, ахлоқий кадрият.

Резюме. В этой статье рассматриваются процессы глобализации и ее социально-философская сущность как этическая ценность межнациональной гармонии.

Ключевые слова: глобализация, мир, региональное сотрудничество, социальное развитие, этические ценности.

Summary. This article explores the processes of globalization and its socio-philosophical essence as an ethical value of interethnic harmony.

Key words: globalization, peace, regional co-operation, social development, ethical values.

Глобаллашув шароитида миллатлараро тотувлик юксак ахлоқий кадрият сифатида.

Миллатлараро муносабатлар одамларнинг турмуш тарзи, дунёқараши, онги, фикрлаш тарзи билан боғлиқ бўлган мураккаб воқелиқдир. Миллий–маънавий тикланиш ва миллатлараро муносабатлар доимо жамият ҳаёти тараққиётида ва инсон камолотида катта роль ўйнаб келган. Бугунги кунда бутун дунёдаги 200 дан зиёд бўлган мамлакатларда минглаб миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб, улар турли хил тилда гаплашадилар ва ўзларига хос бўлган урф-одат ва анъаналарга эгадирлар. Миллий ва миллатлараро муносабатлар жамият тараққиёти давомида унинг ҳаёти ва ривожига бўлган ўз таъсирини кучайтириб борди. Миллий жараёнларнинг асосий характерли томони шундаки, инсоннинг ақл-заковати юксалиб борган сари ушбу муносабатларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Тотувлик-жамиятда

турли хил ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишиларнинг ўзаро муносабатларида, уларнинг муайян давлат сиёсатига бўлган муносабатларида ҳамфикрлилик тамойили асосидаги умумийликни англатувчи тушунчадир.¹ Биз яшаётган даврда инсоният тарихида биринчи марта Ер куррасида яшовчи кишиларнинг мутлақ кўпчилиги турмуш тарзининг асосий тамойилларини бир хилда тушуна бошламоқдалар. Бу глобализациянинг ғоявий негизини ташкил этади. Глобаллашув – турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир. Умуман олганда глобаллашув тушунчасига берилган таърифлар хилма-хил. Лекин унинг хусусиятларини тўлароқ қамраб олгани француз тадқиқотчиси Б.Банди берган таърифдир. Унда глобаллашув жараёнининг уч ўлчовли эканига урғу берилади:

- Глобаллашув – муттасил давом этаётган тарихий жараён;
 - Глобаллашув – жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни;
 - Глобаллашув – миллий чегараларнинг “ювилиб кетиш” жараёни.²
- .Юқоридаги таърифга эътибор берадиган бўлсак, глобаллашув жараёнларида миллатни ўзлигини сақлаб қолиши ва маърифатли миллат сифатида бошқа халқлар билан ўзаро муносабатларни миллий тотувлик асосида йўлга қўйиши катта аҳамиятга эга. Глобаллашув шароитида вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар Марказий Осиё мамлакатлари халқлари тарихи, уларнинг келиб чиқиши, ўзига хос турмуш тарзлари ва яқин қўшничилик муносабатларига ҳар қачонгидан ҳам бошқачароқ қарашни тақозо этмоқда. Зеро, этник жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган, тарихан бир муҳитда яшаб, бироқ, айни пайтда мустақил давлат бўлиб яшаётган мамлакатлар ўз тарихий илдизларини қидириб топишини, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини қайтадан тиклашини ҳаётнинг ўзи зарурат даражасига кўтармоқда. Ҳозирги ривожланган мамлакатларда давлатлараро минтақавий ҳамкорлик сиёсий ва
-

иқтисодий мазмундан бирмунча бошқачароқ маънавий-мафкуравий мазмун касб этмоқда. Бу ҳозирги замон жаҳон цивилизациясининг энг илғор йўналишларидан бири сифатида тан олинмоқда. XXI асрнинг биринчи чорагида Марказий Осиё минтақасида ижтимоий-сиёсий жараёнларда туб сифат ўзгаришлар бошланди. Бу бевосита Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг мамлакат ташқи сиёсатида аҳил қўшничилик стратегияси билан боғлиқ бўлиб, ушбу ташаббус ўзига хос ижтимоий лойиҳа сифатида нафақат мамлакатимиз, минтақа, қолаверса, замон ва дунё эҳтиёжларига мослиги боис халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Минг йиллар мобайнида йиғилиб, сўнгра улкан кучга айланган ўзбек бағрикенглиги эндиликда, мустақиллик шарофати билан юзага чиқиб, юрт, минтақа ва жаҳонда гармония, тотувлик маданияти томир отишига хизмат қилиши тайин. Ҳозирги халқлар қалбига зўр бериб “беғоналаштириш” уруғи сепилаётган бир паллада Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташқи сиёсатда аҳил қўшничилик ғояси, унинг бугунги кундаги натижаларида миллатлараро тотувлик юксак ахлоқий қадрият сифатида амалий ҳаракатлар билан уйғунлашиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Ўрта асрларнинг буюк алломаси Форобий таъкидлаганидек “бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ – фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади”³ Демак Марказий Осиё минтақасида содир бўлаётган бугунги жараёнларда аждодларимиз учун армонга айланган жабҳалар қайта тикланмоқда, ижтимоий тараққиётда катта аҳамиятга эга бўлган ахлоқий қадриятлар эса бунда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

1. Фалсафа қомусий луғат. Т. 2004. Б. 402.
2. Косимова. Н.А. Глобализация в мировой политике. Т., 2004. - В. 16
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т., 2016. - В. 288.